

□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□

Улар Аллохнинг аҳдини боғланганидан сўнг бузадиган, Аллох боғланишга буюрган нарсаларни кесадиган, ер юзида фасод киладиган зотлардир. Ана ўшалар ютказувчилардир. (Бакара 27)

Ушбу оятда Аллох кофир ва мунофиқларнинг учта катта сифатини келтирган.

Биринчи сифат:

«Аллохнинг аҳдини боғланганидан сўнг бузадиган...»

Яъни, ҳар бир банданинг Яратган билан боғлаган аҳди бор. Кофир ва мунофиқлар ўша аҳдни бузиш билан бошқалардан ажраб туради.

Иккинчи сифат:

«Аллох боғланишга буюрган нарсаларни кесадиган...» Аллох кўп нарсаларни, жумладан, кариндошлик алоқаларини боғлашга, инсоний алоқаларни боғлашга, иймон ва диндошлик алоқаларини боғлашга... ва хоказо ишларга буюрган. Фосик–кофир ва мунофиқлар ушбу алоқаларни ҳам кесадилар.

Учинчи сифат:

«Ер юзида фасод киладиган...»

Фасоднинг тури жуда кўп. Жумладан, юкоридаги икки сифат ҳам ер юзини фасодга тўлдирадиган сифатлардан ҳисобланади. Аммо энг катта фасод борликни яратувчи Зот бўлмиш Аллох таоло кўрсатган йўлни тарк этиб, бошқача яшашга ҳаракат қилишдир. Ҳамма фасод шундан келиб чиқади.

Мазкур сифатлар нима натижага элтади? Шундай сифатдаги кишилар, албатта, ютказадилар. Бу дунёларини ҳам, у дунёларини ҳам ютказадилар.

«Ана ўшалар ютказувчилардир».

Ушбу маъно "Раъд сурасининг 25 оятида ҳам келган.

Аллохнинг аҳдини мийсоқдан кейин бузадиганлар, Аллох боғланишига амр этган нарсаларни узадиганлар ва ер юзида бузгунчилик киладиганларга, ана ўшаларга лаънат ва уларга ёмон диёр бор.

Бу оятда васф қилинаётган бадбахт бандаларнинг бош айблари Аллох таолога ал-Мийсоқда берилган бош аҳдни – иймон аҳдини ва ўша иймон такозоси ила амал қилиш мийсоқини бузишларидир. Ушбу асосий ва марказий аҳд бузилгандан кейин бошқа аҳдлар ҳам бузилиши муқаррар. Чунки, Аллохга иймон аҳди бўлмагандан кейин, бошқа қандай аҳд бўлиши мумкин?! Шу боисдан ҳам, улар:

«Аллох боғланишига амр этган нарсаларни бузадиганлар»га айланиб қоладилар.

Аллохга иймонлари бўлмаганидан кейин, унинг айтганларини ҳам қилмайдилар.

Жумладан, Аллох боғланишга амр этган кариндошлик алоқаларини, инсонийлик ва бошқа алоқаларни ҳам узадилар. Натижада:

«ер юзида бузгунчилик киладиганларга» айланадилар.

Уларнинг иши бузгунчиликдан иборат бўлиб қолади.

«Ана ўшаларга лаънат ва уларга ёмон диёр бор.»

Силаи рахмни узган киши юткизиши хакида хадиси шарифлар ҳам бор.

Мухаммаб ибн Жубайр ибн Муътасим отасидан ривоят қилган хадисда Набий соллаллоху алайхи васаллам:

"Силаи рахмни узувчи жаннатга кирмайди", деганлар.

Жаннатдан махрум бўлишдан ҳам ёмонрок юткизиш борми?

Азизлар, ўзимизга инъом қилинган фурсатдан фойдаланиб, "силаи рахм" нинг маъносини ва бу робитага тааллуқли ҳақ ҳуқуқларни мукамал ўрганиб, унга амал қилайлик. Бу борадаги хато камчиликларни тўғрилайлик. Яна юткизувчилардан бўлиб қолмайлик. Жаннатдан махрум бўлмайлик.

Одинахон Мухаммад Юсуф